



Боқиманда одамларнинг, аввало, дунёқарашини ўзгартириш керак. Улар давлат менга доим ёрдам беришга мажбур, деб эмас, мен давлатга қандай кўмак бера оламан, деган савол била яшаши, ишлаши лозим.



Маҳалла ёшлари орасида спортга қизиқувчилар кўп, аммо спорт майдони йўқ. Агар кичик футбол майдончаси қуриб берилса, ёшларимиз орасидан профессионал спортчилар етишиб чиқишига замин яратиларди.



# Маҳалла

2024 йил  
25 июль,  
Пайшанба

№41  
(2179)

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

WWW.UZMAHALLA.UZ

## БУГУНГИ СОНДА:

### Маҳалла раислари спорт синовлари топширади

Бугунгача 7 ёшдан 17 ёшгача ва 18 ёшдан 29 ёшгача бўлганлар ўртасида синовлар ташкил этилди. Август-сентябрь ойларида 30 ёшдан 49 ёшгача, октябрь-ноябрь ойларида 50 ёш ва ундан катта ёшдаги, декабрь ойида давлат хизматчиларидан жисмоний тайёргарлик даражаси спорт синовлари қабул қилинади.

3-с.

### Барча иллатларнинг урчиши — бекорчиликдан

Ён-атрофдаги жиноят ва ҳуқуқбузарликдан холи маҳаллаларга ҳавас қилардим. Энди мен ҳам улар сафига қўшилдим. Маҳалламиз ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликдан холи ҳудудга айланди. Янада қувонарлиси, жорий йил вилоятда бу йўналишда энг яхши маҳалла, дея эътироф этилди.

5-с.

### “Маҳалла бюджети янада ортади”

“Маҳаллабай” ўрганишлар ва мулоқотлардан билдимки, ўз вақтида фуқароларга солиқ ва тadbirkorлик бўйича етарли ҳуқуқий тушунча берилмаган. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, солиқ инспекторларининг маҳаллага туширилиши мана шундай муаммоларни бартараф этиб, қонуний йўл-йўриқлар кўрсатилмоқда, солиқ қарздорликлар камайди.

6-с.

### Хотин-қизлар маҳаллада иш юритувчи сифатида ишлайди

2024 йил 1 январдан хотин-қизларнинг ҳақ тўланадиган жамоат ишлари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида иш юритувчи бўлиб ишлашига 11 ойгача муддатга рухсат этилди. “Xotin-qizlar.uz” платформаси негизда “Банд бўлмаган хотин-қизлар” модули яратилиб, вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларига интеграция қилинади.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиң!

@mahalla\_raislari  
@mahalladosh\_1  
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

## Хитой делегацияси Уюшмага ташириф буюрди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Кахрамон Куронбоев ташифига биноан, Шенчжен тadbirkor аёллар ассоциацияси раиси Чжао Синсу бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташириф буюрди.



Таширфининг биринчи кунда меҳмонлар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси марказий аппарати фаолияти билан яқиндан танишдилар. Учрашув аввалида делегация вакиллари Уюшма фаолияти, “маҳалла еттилиги”нинг ташкилий тузилмаси ҳақида маълумот берилди. Ўз ўрнида Чжао Синсу кўрсатилган эътиромдан мамнун эканини билдирди.

Учрашувда икки мамлакат тadbirkor аёллари иштирокида форум ташкил этиш, амалий ва назарий кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, инвестиция ва ташқи савдо имкониятларини кенгайтириш, маҳаллалардаги хотин-қизларни тadbirkorликка жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида доимий ҳамкорликка келишиб олинди.

Шенчжен тadbirkor аёллар ассоциацияси раиси Чжао Синсу бошчилигидаги делегация вакиллари Ўзбекистонга таширфи давом этмоқда.

УЮШМА КУНДАЛИГИ



“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

(Бешинчи мақола)

Профилактика инспектори деганда, энг аввало, кўз олдимизга маҳаллалар хавфсизлигини таъминлайдиган, шу мақсадда тушуқун хизмат фаолиятини олиб борадиган инспектор тавдаланади. Уларнинг бугунги фаолияти нисвоҳлар билан ҳамохан бўлиши, ҳар бир амалда янгилик ва замонавийлик акс эттиши зарур.

Фақат бугина эмас, замонавий профилактика инспектори инновацион билим ва кўникмаларга эгалиги, ўз касбий малакасини мустақил ривожлантира олиши, иш фаолиятида илғор ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиши билан ажралиб туради. Қолаверса, этика қоидаларидан хабардорлиги, хорижий тилларни ўзлаштиргани, халқ билан мулоқот қилишнинг янги усул ва шакллари биланиши муҳим аҳамиятга эга.

Бу касб эгалари камолот пиллаполаридан юқорилаши учун, аввало, кундалик фаолиятида фидойилик, садоқат ва одиллик тамойиллари устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Намунавий хулқ, вазминлик, мушоҳадалик, бағрикенглик, олийжаноблик, ҳалоллик каби туйғуларни мукамал шакллантириши керак.

Профилактика инспекторида масъулият ва ўз юртидан маънавий қарздорлик туйғуси шаклланган бўлиши лозим. Энг муҳими, шу халқни севиши, унга меҳр қўйиши, аҳолининг дарду ташвишлари билан ёниб яшаши зарур.

Эсда тутиш керакки, бугунги профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар оқибати билан эмас, балки унинг олдини олиш билан курашиши шарт. Улар аҳоли назарида жазолоччи давлат хизматчиси эмас, балки келгусида содир этилиши мумкин бўлган ноҳуш ҳодисаларни олдиндан кура оладиган ва ҳуқуқбузарлик содир этишдан қайтаридиган етакчи сифатида намоён бўлиши лозим.

Давоми 2-, 3-саҳифаларда.

**ҲАР БИР МАҲАЛЛА  
ЖИНОЯТЧИЛИКДАН  
ҲОЛИ ҲУДУДГА  
АЙЛАНИШИ ЗАРУР**

### СЕМИНАР

## Маҳаллалар янада обод, янада файзли бўлади



2-саҳифада.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг 208 та туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари учун 3 кунлик ўқув-амалий семинар бўлиб ўтмоқда

## НОГИРОНЛИК ТУҒУРУҚХОНАНИНГ ЎЗИДА БЕЛГИЛАНСА...



7-саҳифада.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг ТАВАЛЛУД КУНИ муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келди.



Шавкат Мирзиёевга ОММАВИЙ СПОРТ ва олимпия ҳаракатини кенгайтиришга оид ишлар юзасидан ахборот берилди.



ОКтябрь ойининг БИРИНЧИ ҲАФТАСИ Сиёсий қатағон фуқароларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонланади.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

# Ҳар бир маҳалла жинойтчиликдан



Қахрамон ҚУРОНБОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, сиёсий фанлар доктори.

## ҲАР БИР МАҲАЛЛАНING “ҚУЛФ-КАЛИТИ” ЯРАТИЛДИ

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 5 268 та (55,7 фоиз) маҳалла жинойтчиликдан холи ҳудудга айлантирилди. Бу жараёнда профилактика инспекторларининг ўрни алоҳида. Қувонарлиси, бугун одамлар илгаригидек, инспекторлардан қочаётгани йўқ, аксинча, ўзининг, маҳалласининг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашни сўраб биринчи навбатда уларга мурожаат қилмоқда.

Аслида, халқимиз тинч ва осуда ҳаёт кечириши учун профилактика инспекторига ишончи юқори бўлиши, ўзининг хавфсизлиги кафолатини уларнинг тисолида кўра олиши керак. Бироқ бу натижаларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Президентнинг оқилона сиёсати ва изчил ислохотлар самараси ўларок, маҳаллаларда жинойтчилик жиловланапти. Одамларнинг тинч-тотув яшаши учун ҳар бир маҳалланинг “қулф-калити” яратилди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда энг куйи бўғиндаги вазият ва муаммоларни чуқур ўрганиш асосида ҳар қайси маҳаллани жинойтдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 350 дан зиёд маҳаллада ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилди, 9 452 та маҳаллада профилактика инспекторлари фаолияти йўлга қўйилди.

Профилактика инспекторларининг бевосита жойларда самарали хизмат ўташи учун муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиб берилди. Хусусан, маҳаллаларда хизмат ўйлари қурилиб, имтиёзли кредит асосида автомашиналар билан таъминланди. Бундай қулайликлар профилактика инспекторларининг кечаю кундуз ўз ҳудудида бўлиб, ҳар бир хонадон билан самарали ишлаш, маҳаллада жинойтчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашида ўзининг

ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Яна бир жиҳат: соҳага рақамли технологиялар, хорижий илғор тажрибаларига асосланган замонавий иш юритиш воситалари, сунъий интеллект ёрдамида фаолият кўрсатадиган ахборот-маълумот тизимлари жадал татбиқ этилмоқда. Натижада ички ишлар органлари кўрсатадиган давлат хизматларининг 80 фоизи электрон шаклга ўтказилиб, тизимда бюрократия ва фуқароларни сарсон қилиш ҳолатлари бартараф этилди. Жамоат жойларида вазиятни онлайн кузатиш, фуқароларнинг мурожаатларини масофадан туриб қабул қилиш, ҳуқуқбузарликларни инсон омили иштирокисиз қайд этиш амалиёти бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борадаги ишларни Хива туманидаги “Истиклол” маҳалласи мисолида олсак, профилактика инспектори хизмат хонасида бўлмаган пайтида ҳам аҳоли ўз мурожаатини онлайн йўллаши мумкин. Бунинг учун маҳалла идораси биноси олдида ўрнатилган “SOS” чақирув тугмасини босса кифоя, инспекторнинг планшети ва мобил телефонига хабар боради. Шу орқали ҳар қандай вазиятни тезкор бартараф этиш имконияти яратилди.

Яқин келажакда ҳар бир профилактика инспектори ўз ҳудудини дронлар ёрдамида назорат қилиш имконига эга бўлади. Бу амалиёт Жондор туманидаги “Ушот” маҳалласи профилактика инспектори Иzzат Худоев фаолиятида синовдан ўтказилди. Келгусида дронлар ёрдамида фуқаролар гавжум жойларни назорат қилиш, жинойт содир қилиб назорат остига олинган шахсларни кузатиш, томорқа ерлардан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг атроф-муҳит ва экологияга бўлган муносабатларини кузатиб бориш имкони яратилади.

Умуман олганда, ички ишлар тизимидаги ислохотларнинг амалий натижасини соҳанинг ҳар бир ходими, биринчи навбатда, халқимиз ўз кундалик ҳаётида сезмоқда. “Хавфсиз хонадон”, “Хавфсиз маҳалла”, “Хавфсиз шахар”, “Хавфсиз туризм” тизимлари жорий этилгани, 24 соат патруллик хизмати йўлга қўйилгани натижасида одамларда “адолат ва қонун устуворлиги”га ишонч пайдо бўлди.

## КИЧИК МАИШИЙ ОМИЛЛАР ЖИДДИЙ ОҚИБАТГА САБАБ БЎЛАДИ

Бугунги кунда профилактика инспекторлари “маҳалла еттилиги” тизимининг энг фаол аъзосига айлиниб, вазиятни хонадонлар кесимида ўрганипти. Биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини “маҳалла еттилиги” имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳал этиш чораларини кўрапти.

Энг муҳими, жойларда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий олгини ошириш, уларни соғлом турмуш таъминлаши асосида тарбиялаш орқали ижтимоий жиҳатдан хавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш бўйича амалиёт йўлга қўйилди.

Ҳар бир мактабга Миллий гвардия ходимининг бириктирилиши, маҳалла раиси, профилактика инспектори, ота-оналар ва маҳалла фаолларининг “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида ишлаши бежиз эмас, албатта. Энди ҳар бир ўқувчи назоратда бўлади.



## ЖАЗОЛАШ ЭМАС, ПРОФИЛАКТИКА – БОШ МАҚСАД!

Агар ҳудудингизда битта жинойтчилик қайд этилса борми, ойлаб ишлаган машаққатли меҳнатингиз пучга чиқади. Шунинг учун нотинч, жинойтчиликка мойиллиги бор ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишланг. Бунинг учун, аввало, фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширинг, жинойтнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтиринг. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаб, “маҳалла еттилиги” ва жамоатчилик тузилмалари билан биргаликда уларни бартараф этиш чораларини кўринг. Демак, жинойтчини жазолаш эмас, жинойтчиликнинг олдини олиш – бош мақсадингиз бўлсин.

Жинойтчиликнинг асл илдизи кўп ҳолларда бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ишсиз аҳолини ишли қилишга, ёшларни ўзи қизиққан бирор касб-хунар, спорт ёки санъат билан шуғулланишини таъминланг. Айниқса, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртада спорт мусобақаларини, турли танлов ва маданий тадбирларни мунтазаб ташкиллаштиринг. Уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шавқатсизлик фояридан ҳимоялашга йўналтирилган тарғибот тадбирлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратинг. Шунда улар онгидан турли бузғунчи фояларга жой

қолмайди, жамиятимизнинг ижтимоий фаол аъзосига айланади.

Бу борада Эллиққалъа туманидаги Навоий овул фуқаролар йиғини профилактика катта инспектори Рашид Отабоевнинг ташаббуси эътиборга молик. У ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун “Маҳалла – оила – таълим муассасаси” мезони асосида 4 та фан, 9 та спорт, 3 та касб-хунар ўргатувчи тўғрақлар фаолиятини йўлга қўйган. Ёшларни китобхонликка жалб этиш учун 3 та кутубхона ташкил этилишига ташаббускор бўлган. Бухоро туманидаги “Работикалмок” маҳалласи профилактика катта инспектори Шаҳоб Исмоилов эса ёшларнинг бўш вақтини фойдали ўтказиш учун турли спорт тўғрақлари, кутубхона, музей ташкил этган.

Афсуски, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар ва вояга етмаганлар учраб турибди. Албатта, бу – назоратсизлик маъноси. Шу боис уларнинг ҳар бири билан индивидуал ишлаш керак. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга жиддий эътибор қаратинг.

Давлат раҳбари ташаббуси билан ҳар бир мактабга Миллий гвардия ходимининг бириктирилиши, маҳалла раиси, профилактика инспектори, ота-оналар ва маҳалла фаолларининг “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида ишлаши бежиз эмас, албатта. Энди ҳар бир ўқувчи назоратда бўлади. Мақсад – ўқувчиларнинг ҳар бир кунини мазмунли ташкил этиш орқали жинойт йўлига кириб кетишининг олдини олиш. Ота-оналарнинг ўз фарзандларини мактабга боришларини таъминлаш масъулиятини оширишди.

Яна бир жиддий масала шундаки, бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисаси оқибат



СЕМИНАР

# Маҳаллалар янада обод,

## Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг 208 та туман (шаҳар)



Уюшманинг ҳудудий бошқармалари ва маҳаллий бўлимларининг иш фаолиятини кучайтириш, жараёнлардан ортада қолиб кетмаслигига замин яратиш – муҳим вазифадир.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ўтган олти ой давомида республикадан тортиб, вилоят,

туман (шаҳар), маҳалла миқёсида салмоқли ишларни амалга оширди. Шу билан бирга, тизимда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар талайгина, турли

дастурулар тажрибаларни ҳаётга татбиқ этиш зарурати бор.

Хўш, улар нималардан иборат? Тан олиш керак, ҳали жойларда хат-хужжат ишларини

тартибли йўлга қўйиш, “маҳалла еттилиги” вакилларининг аниқ вазифаларини тушунтириш, кунлик, ҳафталик, ойлик, чораклик иш режалар асосида фаолиятни ташкил этиш борасида камчиликлар бор. “Қозғосиз иш юритиш”, ҳужжатларни электрон шаклда алмашиш тартиби тўлиқ жорий этилмаган. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, банклар билан ҳамкорликда уларнинг бандлигини таъминлаш, “еттилик” аъзоларининг ишга келиб-кетишини ташкил этиш борасида ечимини кутаётган масалалар етарлича.

Нима қилмоқ керак? Маҳаллада ишларнинг тўғри йўлга қўйилмагани фақат шу ерда ишловчиларнинг айбими? Йўқ, албатта. Тизимдаги ислохотлар маҳаллаларга етиб бормаётгани, ходимларнинг ҳали-ҳануз тизимдаги ўзгаришларни тўла англаб етмаётгани – ўртада узилиш бўлаётганини аниқлади. Демак, Уюшманинг ҳудудий бошқармалари ва маҳаллий бўлимларининг иш фаолиятини кучайтириш, жараёнлардан ортада қолиб кетмаслигига замин яратиш – муҳим вазифадир.

Шу мақсадда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Ёшлар оромгоҳида Ўзбекистон

маҳаллалари уюшмасининг 208 та туман (шаҳар) бўлимлари бошиқлари учун 3 кунлик ўқув-амалий семинари ташкил этилди. Машғулотларда Сайхун-обод туманидаги “Иттифок”, Обод туманидаги “Истиклол”,

Зарбдор туманидаги “Лалмикор”, Ш.Рашидов туманидаги “Тўёқли”, Ёшқувон туманидаги “Нодирабегим”, Яққасарой туманидаги “Дилбулак”, Яшнобод туманидаги “Дилбоғ” маҳаллаларидаги илғор амалий





**Президент фармойиши билан бакалавр ва магистрлар тайёрлаш бўйича ДАВЛАТ ГРАНТИ тасдиқланди.**



**ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ ва хорижий туристлар оқимини янада оширишга қаратилган Президент қарори қабул қилинди.**



**“Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.**

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

(Бешинчи мақола)

# ХОЛИ ХУДУДГА АЙЛаниши зарур

тида ёш болалар ва ўқувчилар ўлими ортмоқда. Шу боис худудингиздаги таълим муассасаси олдидagi пидедалар ўтиш жойида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминланг. Тезликни чекловчи йўл белгиси, светофор, фоторадар ўрнатишда ташаббус кўрсатинг. Балки фуқаролар билан бамаслаҳат кунлик навбатчилик ташкил этиш мумкин.

## ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН АЁЛЛАРНИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Очигини айтиш керак, ҳар пайшанба кунни ўтказилиши белгиланган “Хуқуқбузарликлар профилактикаси кунни” барча маҳаллаларда ҳам самарали ташкил этилмаяпти. Шу боис бу масалага жиддий эътибор қаратиб, аҳоли ўртасида ва уйма-уй юриш тизими асосида нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган ва руҳий касалликка чалинган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишлаш зарур.

Оилаларда ноқонуний никоҳ ва эрта турмушнинг олдини олиш, низоли оилаларни яраштириш ва муҳитини яхшилаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиринг. Афсуски, шаърий никоҳ асосида яшаётган фуқаролар учраб турибди. Бундай ҳолатларга чек қўйиб, қонуний чоралар қўллаш зарур. Бу борада хотин-қизларнинг хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазийк ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилиш — асосий вазифалардан бири.

Амалиётда тазийк ва зўравонликка учраган хотин-қизларга ҳимоя ордерлари берилмоқда. Албатта, бу ўз самарасини берапти. Бироқ ҳимоя ордери берилгандан кейин зўравонлик ва тазийкка учраган аёлларни эътиборсиз қолдирманг. Чунки ҳимоя ордери берилди, дегани ўша хотин-қизларни ҳимояси тўлиқ қафолатланганини аниқламайди. Ҳимоя ордери олгандан кейинги ҳаётидаги ўзгаришлар билан танишиб бориш. Агар зўравонлик давом этаётган бўлса, бошқа хуқуқий чоралар қўлланг.

Бу масалада профилактика инспекторлари фаолияти давомида турли таъсирчан чоралар қўллаётганини кузатиш мумкин. Масалан, **Жиззақ шаҳри Амир Темуэр номидаги маҳалла катта профилактика инспектори Акром Гулмуродов** кўчига оила бошлиғи ичкиликка ружу қўйгани учун уларнинг хонадонини Миллий гвардия қўриқлаш пултига улаган. Агар эрлари спиртли ичимлик ичиб келиб жанжал қилдиган бўлса, аёллари пултни босиб, Миллий гвардия ходимларига хабар беради. Профилактика инспекторининг айтишича, бу тизим ижобий натижа бермоқда.

Жиноят қурбони бўлиши мумкин бўлган шахслар (ёғиз қариялар, имконияти чекланган шахслар, узок муддатга хоржга чиқиб кетган фуқароларнинг оилалари қабилар) билан ишлаш эътиборингиздан четда қолмасин. Вазифаларингиздан яна бири — профилактика ва пробация ҳисобидagi шахслар билан ишлаш, бемақсад юрган шахслар ва қаровсиз қолдирилган

мол-мулк эгалари, маҳалла худудидаги кўнгличор масканларда тунги вақтларда вояга етмаганларнинг ота-онаси қарамогисиз бўлишининг олдини олишдир. Бундай шахслар тақдирини ижобий томонга ўзгартириб, уларни жамиятнинг фаол аъзоси сифатида тўғри йўлга бошласангиз, бу — сизнинг энг катта ютуғингиз.

Маҳаллаларда бўлганимда бу борада яхши кўрсаткичларга эга бўлган инспекторлар фаолиятига эътибор бўлган. Масалан, **Оқдарё туманидаги “Пичоқчи” маҳалласи профилактика инспектори Ғолибжон Сатторов** пробация гуруҳи ҳисобида жазо ўтаётган шахсларни ижтимоий мослаштириш, муаммоларини ўрнатиш ва ҳал этиш, бандлигини таъминлаш орқали маҳаллани жиноятчиликдан холи худудга айлантирган.

## МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИ БЎЙИЧА ХУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ БЕРИНГ

Инспекторнинг яна бир муҳим вазифаси — фуқароларни чет элда ишлашга тартибли ва хавфсиз жўнатиш, юртимизга қайтганларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашишдир. Бугун барча худудларда “Хорижга иш — маҳалладан” тамойили асосида етарли малакаси бўлмаган фуқаролар касб-хунарга қўшимча ўқитилиб, хорижлик иш берувчилар талабига қараб мақсадли тайёрланмоқда.

Хорижга вақтинча меҳнат фаолиятини олиб бориш учун жўнаб кетаётган ёки хорижда вақтинча ишлаётган фуқароларга тиббий, ижтимоий, хуқуқий, консултик хизматлари кўрсатиляпти. Хорижда оғир аҳволга тушиб қолган юрtdошларимизга моддий ёрдам кўрсатиш имкониятлари янада кенгайди. Хусусан, миграция бўйича ягона ахборот платформаси яратилиб, “маҳалла еттилиги” тизими билан интеграция қилинди.

Хурматли профилактика инспекторлари! Кўриб турганингиздек, хоржга ишлашни истаган фуқаролар учун кенг имконият ва шароитлар яратилмоқда. Бироқ маҳалладагиларнинг барчаси ҳам бу имкониятлардан хабардор эмас. Шу боис аҳоли ўртасида, айниқса, хоржга ишлашга кетаётган фуқароларга мамлакатимизда яратилган имкониятлар ҳақида тўлиқ маълумот беринг. Бу ҳақда маҳалла идораси биносига, аҳоли гавжум худудларга махсус эслатма материаллар эълонини жойлаштиринг. Маҳалла фуқаролари учун алоҳида телеграм гуруҳ очинг. Энг муҳими, ким қайси давлатга, қандай ишга кетаётганидан хабардор бўлиб, уларнинг рўйхатини шакллантиринг.

Ҳар ой ўз маҳаллангизда хоржга чиққан фуқаролар билан ижтимоий тармоқлар (Telegram, WhatsApp, Zoom) орқали мулоқотда бўлиб, ишлаш ва яшаш шароитларини ўрнатиш. Бирор оғир шароитга тушиб қолдиган бўлса, алоқага чиқишлари ёки чет

элдаги Ўзбекистон элчихоналарига боришларини тушунтиринг. Шунингдек, уларнинг ота-оналари ва оила аъзолари билан учрашувлар ўтказиб, вояга етмаган фарзандлари тарбиясини назоратга олинг. Ўйламанки, ана шундай тарғибот ишларини олиб борсангиз, ҳеч бир фуқаро фирибгарлар тузоғига тушиб, ўз ҳақ-хуқуқларидан айрилмайди.

## МАҲАЛЛА ТИНЧ БЎЛСА — ЮРТ ТИНЧ БЎЛАДИ

Давлат раҳбари айтганидек, маҳалла тинч бўлса — юрт тинч бўлади. Ана шу тинчликни таъминлаш учун инспекторлар фаолияти профилактик ишлар таҳлилига асосланиши керак. Ҳар бир инспекторда худуддаги жиноятчиликнинг жойи ва тури бўйича аниқ маълумот бўлиши зарур. Шу билан бирга, жамиятда жаҳолатга қарши маърифат кучли бўлиши лозим. Муҳит шундай бўлиши керакки, ҳеч ким жиноятга қўл ура олмасин.

Дарҳақиқат, ҳар қандай тараққиётнинг асосини тинчлик, осойишталик ташкил этади. Шу боис “Обод ва хавфсиз маҳалла” дастури асосида маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноят ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада **Давлатобод туманидаги “Орзу” маҳалласи хуқуқ-тартибот маскани** тажрибаси биринчилардан бўлиб, мамлакат миқёсида кенг оммалаштирилди. Маҳалла идораси билан бир бинода жойлашган масканда профилактика инспекторидан ташқари, хотин-қизлар масалалари бўйича ва пробация инспекторлари, терговчи ва жиноят қидирув, йўл патруль, патруль-пост, Миллий гвардия ходимларига хизмат хоналари, шунингдек, сайёр суд ва йиғилиш ўтказадиган зал мавжуд. Энг муҳими, профилактика инспекторининг хизмат уйи ҳам шу ерда. Ходимларга хизмат машиналар берилган. Ана шундай зарур шароитлар яратилгани боис жиноятчилик йилдан-йилга камайиб борапти.

Маҳаллани хавфсиз худудга айлантиришда **Янгиарик туманидаги “Остона” маҳалласи катта профилактика инспектори Матёқуб Матёқубовнинг тажрибаси оммалаштиришга арзигулки**. У жамоат жойлари, хусусан, чойхона, умумтаълим мактаби, савдо дўконлари жойлашган худудлар ҳамда асосий кўчаларга кузатув камералари ўрнатган. Улар шунчаки кузатув камераси эмас, балки 360 градусда айланиб, атрофини тўлиқ назоратга олади. Яна бир қўлайлиги — унда гапириш ва эшитиш мосламаси бор. Масалан, чойхона атрофида тунги соат 22:00 дан кейин фуқаролар йиғилмайдиган бўлса, қаерда бўлишдан қатъий назар, телефон ёки планшет ёрдамида уларга кеч бўлганини, ҳамма уй-уйига тарқалишини айтади. Шу боис профилактика инспектори қаерда бўлса-да, худудни тўлиқ назоратга олиб, ҳар қандай хуқуқбузарликни тезкор аниқлаш имконига эга. Қувонарлиси, кузатув камералар қўйилиши натижасида аҳоли, айниқса, ёшларнинг тунги вақтда мақсадсиз юришлари кескин камайди.



Чойхона атрофида тунги соат 22:00 дан кейин фуқаролар йиғилмайдиган бўлса, қаерда бўлишдан қатъий назар, телефони ёки планшет ёрдамида уларга кеч бўлганини, ҳамма уй-уйига тарқалишини айтади.

Буён замонaviй қурилмалар ёрдамида ҳар қандай жиноятчиликнинг олдини олиш мумкин. Аввало, худудни тўлиқ назорат қилиб туриш учун жамоат жойлари, аҳоли гавжум масканлар, хусусан, мактаб, боғча, савдо дўконлари ҳамда чорраҳа, барча кириш-чиқиш йўллари замонaviй кузатув камералари ўрнатиб, уларни хизмат хонасига ёки планшетингизга интеграция қилинг. Ҳозирги камераларнинг олдингилардан афзаллиги шундаки, унинг хотирасига маҳалладаги барча фуқароларнинг рўйхатини киритиб қўйишингиз мумкин. Агар худудга рўйхатда бўлмаган бегона бирор шахс кирадиган бўлса, ушбу қурилма сизга огоҳлантириш сигнални беради. Аксарият жиноятлар тунги вақтда содир бўлишини инобатга олиб, мунтазам тунги рейдлар ташкил этиб бориш. Бунинг учун, аввало, кўча чироқлари ўрнатилишини таъминланг. Чунки қоронғулик жиноятлар ўчоғига айланиши мумкин. Бемақсад юрганларнинг шахсини хизмат планшети ёрдамида жойида аниқлаб, улар билан тушунтириш ишларини олиб бориш. Бу жараёнда вояга етмаганларга алоҳида эътибор қаратинг. Тунги вақтда кўчаларда бирор мақсадсиз телефон ўйнаб ўтирган ёшларнинг ота-оналарини чақиртириб, фарзандлари бирор жиноятга аралашиб қолмасликларини учун назоратга олишларини қатъий тайинланг. Маҳаллани жиноятчиликдан холи худудга айлантириш, аҳолининг осойишта яшаш учун ҳар бир қўл қўриқлаш уйини кириш йўлақларидagi дарвозаларига тезкор чақирув тугмалари ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Бирор ҳолат юз берса, аҳоли ушбу тугмани босиб орқали Миллий гвардия қўриқлаш бўлимининг огоҳлантириди. Жамоат тартибини сақлашда маҳаллардаги “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳидан самарали фойдаланинг. Маҳалланинг асосий

кириш дарвозасига электрон кузатув назорат маскани ташкил этиб, у ерга “Фидокор ёшлар” гуруҳи аъзоларини жалб этиб, навбатчилик асосида худудга кираётган автомобиль ва нотаниш фуқароларни электрон рўйхатга кириштириш тизимини йўлга қўйинг.

## ҲИСБОТ НОМИГАГИНА БЎЛМАСИН...

Профилактика инспекторлари ўзлари га бириктирилган худуд бўйича тегишли фуқаролар йиғинларида ҳар ой якуни бўйича ҳисобот беради. Ҳисобот асосида иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самардорлигига алоҳида баҳо берилади. Шунингдек, эгалаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади ҳамда ички ишлар органи бошлиғига тақдим этилади.

Шундай экан, ҳар бирингиз халқ олдида берадиган ҳисоботга жиддий ёндашинг. Ҳисоботни эшитиш бўйича ўтказиладиган йиғиндан 3 кун олдин фуқаролар йиғинида кўринарли жойга эълон жойлаштириб, бу ҳақда аҳолига етказиш чораларини кўринг. Бу жараёнда маҳалла раиси аҳолининг профилактика инспектори фаолиятига ҳаққоний баҳо берилишини таъминлаш учун худуддаги уйлар аҳолиси (уларнинг вакилларини) қатнашишини таъминлаш шарт.

Энг муҳими, ҳисоботни шунчаки, номигагина 4-5 нафар фуқаро иштирокида эмас, халқ олдида беринг. Ана шунда халқ олдида ишончингиз, ҳурматингиз ортади. Ота-онанинг фарзанд олдидаги ёки аксинча, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи бўлгани каби, Сиз — профилактика инспекторларининг ҳам элимиз олдида бурчингиз бор. У ҳам бўлса, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, маҳаллаларни жиноятчиликдан холи худудга айлантиришдир. Бу йўлда ҳаракатдан тўхтаманг, изланинг, янги-янги тажрибларни амалиётга татбиқ этинг.

# янада файзли бўлади

## бўлимлари раҳбарлари учун 3 кунлик ўқув-амалий семинар бўлиб ўтмоқда

тажрибаларни тизимли татбиқ этиш масаласи кўриб чиқилди. Бу тажрибаларни ҳаётга татбиқ этишда аҳамият қаратиш лозим бўлган жиҳатлар тушутирилди. — Амалий семинар қизқарли лойиҳаларга бой ўтди, — дейди Уюшманинг Шаҳрисабз тумани

бўлим бошлиғи **Ақбар Жўраев**. — Бу ерда нафақат назарий билимларга эга бўлди, балки Сайхунобод, Уйчи, Яккасарой каби туманларда йўлга қўйилган тажрибаларни бевоқиф шун худуд раҳбарларининг тилидан эшитдик, ўзимизга керакли саволларга жавоб олдик.

Қолаверса, машғулотларда “маҳалла еттилиги” фаолиятига оид тақлифларни билдирдик, айни йўналишдаги тажрибалар билан ўзаро фикр алмашдик. Семинар ҳар жиҳатдан мазмунли ўтди.

Семинарда “маҳалла еттилиги” аъзоларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш, йиғинларни ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик, оилавий ажралишлардан холи худудга айлантириш борасидаги тажрибаларни оммалаштириш бўйича маълумотлар берилди. Йиғинларда ишни тўғри ташкил этиш, хуқуқий ҳужжатларнинг маҳаллаларга етиб боришини таъминлаш, муружаатлар билан ишлаш борасида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар — семинар кун тартибидан ўрин олди.

— Ҳар бир машғулотни соҳанинг етакчи мутахассислари олиб бориб, мавзуларни атрофлича тушунтириб беришди, — дейди Уюшманинг Қонлиқўл тумани бўлими бошлиғи **Жалғасбой Қайипназаров**. — Ўзимиз учун кўпгина маълумотларга эга бўлдик. Бошқа туман раҳбарлари билан фикр алмашиб, уларда бор тажрибаларни ўзимизда жорий этишга, ўзимизники уларга ўргатишга келишиб олдик.



Ҳар бир машғулотни соҳанинг етакчи мутахассислари олиб бориб, мавзуларни атрофлича тушунтириб беришди.

Ўйламанки, 208 та туман (шаҳар) раҳбарларини бир жойга жамлаган бундай семинарларнинг ташкил этилиши ишимиз самардорлигини оширади, янги

янги ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишда қўл келади. Семинар давомида тингловчиларнинг бўш вақтини маълумли ташкил этиш ва уларни

соғломлаштириш мақсадида турли спорт машғулоти ва маданий дастурлар ташкил этилди.

Санжар ИСМАТОВ.



Ижтимоий хизматлар ва ёрдам, субсидиялар, грантлар, имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар ИЖТИМОЙ КАРТА орқали кўрсатилади.



Ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ижтимоий карта орқали олиш ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛАДИ.



“ЯГОНА РЕЕСТР”га киритилганларга товарларни харид қилишда тўланган ҚҚС суммаси 1 иш кунда қайтарилади.

## Оилавий даромадни ортиришга ишонч ошган



Ҳар куни маҳаллани кезиб, аҳоли турмуш шaroитини ўрганганда, кўчада тўпланиб ўтирганларни кўрганда, булар аслида дам олаётгани ёки дангасалик қиляптими, деб ўзимга савол бераман. Шу боис улар билан индивидуал суҳбатлашаман. Бекорчиликдан зерикиб ўтирибмиз-да, дейишса, бекорчилик сабабини излайман. Кимдир яхши бизнес лойиҳага эга бўлса, яна бири гулдек хунар эгаси чиқади. Шунга қараб, чора топамиз. Бизнес лойиҳани “юритиш” учун кредит, хунарли йигитга ўзига мос иш тақлиф этаман. Қарабсизки, муаммо ечилиди.

**Мухиддин ХОЛИҚУЛОВ, Шўрчи туманидаги “Совжиронбобо” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

Худудимизда 671 та хонадон бўлиб, йил бошидаги хатловда 98 нафар ишсиз рўйхати шакллантирилган. Хозирги кунда 7 нафар ишсиз қолди. Уларга тадбиркорлик қилишлари учун йўл-йўриқ, маслаҳат беряпмиз, моддий-маънавий қўллаб-қувватляяпмиз.

Бандликни таъминлаш учун тадбиркорлик истагидаги фуқароларга 100 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилгани кутилган самара берди. Ҳар бир тадбиркор янги иш ўрни яратиб, камида 5 нафар ишсиз фуқарони қабул қилди.

2023-2024 йиллар давомида 15 нафар фуқаро тижорат банкларидан ажратилган кредит ҳисобига фаолиятини йўлга қўйди. Буручсатка, тунакафон, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сақлашга мўлжалланган ашиқ ишлаб чиқариш ҳамда иссиқ-

хоначилик, чорвачилик орқали 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

2022 йилда иш бошлаган бўлсам, ҳозиргача 42 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этдим. Ўша пайтдаги статистикага кўра, 2022 йилгача маҳаллада тадбиркорлар сони 11 нафар эди. Ижобий ўзгаришларнинг биринчи сабаби — фуқароларга кенг имконият, шароит яратилгани бўлса, иккинчидан, инсонларда ўзини ўзи банд қилиб, тадбиркорликни ривожлантириш, оилавий даромадини кўпайтириш орқали камбағалликдан чиқиш мумкинлигига ишонч пайдо бўлди. Улар олдингидек ишга жойлашиш, субсидия ёки кредит олиш, касб-хунарга ўқиш учун турли идораларда сарсон юришмаяпти.

Ана шундай тадбиркорлардан бири — Гулсат Кунарова. Ўзи бошланғич синф ўқитувчиси бўлса-да, ишдан бўш вақтида ёғоч яшиқ тайёрлаш билан шуғулланади. Аини пайтда 30 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган. Дастлабки йилда ўзи, турмуш

ўртоғи ва ўғли билан 100-150 дона маҳсулот ишлаб чиқарган. Миқозлар ортгани сари, иш ўринларини кўпайтиришга эҳтиёж туғилди. Бугунга келиб, йиллик даромади 300 миллион сўмни ташкил этмоқда. Битта яшиқ 11 минг сўмдан сотилса, ҳар бир ишчига бир дона яшиқ тайёрлагани учун 700 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Ишчилар 5-6 миллион сўмдан маош олмақда.

Фикримча, бандликни таъминлашнинг энг асосий омили — фуқаролар дунёқарашини ўзгартириш. Дарҳақиқат, аҳоли турмуш шaroитни яхшилаши учун кўп имконият яратилган. Моддий ёрдам, субсидия ва имтиёзли кредит бериб келинмоқда. Бироқ шунча имкониятдан тўри фойдаланмай, боқимандаликни ўзига касб қилиб олганлар учраб турибди. Тажрибамда шунинг англаб етдимки, бундай одамларни, аввало, дунёқарашини ўзгартириш керак. Улар давлат менга доим ёрдам беришга мажбур, деб эмас, мен давлатга қандай кўмак бера оламан, деган савол билан яшаши, ишлаши лозим.

## Хунари бор, интилувчан, билимли одам ҳамма жойда қадрланади

Бугунги кунда тўртга одам бир ерга йиғилиб қолса, “об-хаво”, “парх-наво” дан сўнг тап, албатта, кўча-кўйда ўзига муносиб иш тона олмай тентираб юрган ишсизларга бориб тақалади. Ўзини ишсизман, деганларнинг аксариятига савол берсангиз, “кўнглидагидек” иш йўқлигини айтиб, полшди.



Ишсизликни бартараф этишда кредит ёки субсидия бериш билан чекланиб қолмай, балки ушбу маблағни жой-жойига қўя олиш, эгасини топиш муҳим.



**Мафтуна КУВОНДИКОВА, Чирокчи туманидаги “Боғишамол” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

завқланиб яшашга рағбат бераман. Худудимиз туман марказида жойлашгани учун асосий “драйвер”имиз — тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш. Шу орқали аҳоли бандлигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Жорий йил бошида ўтказилган хатловда 72 нафар ишсиз аниқланганди. Ўтган вақт давомида 34 нафарнинг бандлиги таъминланди. 10 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратилиб, ҳар бири қўшимча 2 тадан янги иш ўрни яратди. Олти нафар ишсиз аёллар субсидия асосида тикув машинаси олиб, ўзини ўзи банд қилди. Бундан ташқари, “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури”га кўра, Бизнесни ривожлантириш банкидан ажратилган имтиёзли кредит эвазига 5 та катта лойиҳани ишга туширдик. Ҳар бирида 4 тадан янги иш ўрни яратилди.

Туманимизда миллий қуроқчилик билан шуғулланиш аъёнанага айланган. Бугунги кунда бу хунар — санъат

даражасида ривожланиб, замонавий кўриниш касб этган. Янгича дизайнда яратилаётган бежирим маҳсулотларнинг ўз харидори бор. Маҳалламизда аини соҳани “ўсиш нукта”ларидан бири сифатида танлаб олганмиз. Янги иш ўринлари яратиш, ишсизларни ўзини ўзи банд қилишига эришишда қуроқчиликдан самарали фойдаланяпмиз.

Мисол учун, маҳаллада истиқомат қилаётган Саодат Қўлиева ўтган йили “Аёллар дафтари”да рўйхатда турарди. У билан суҳбатлашганимда миллий хунармандчилик тури — қуроқчилик бўйича малакаси борлигини аниқладим. Ҳисоб-китобга кўра, агар шу йўналишда озгина қўллаб юборсак, ўзини ўзи банд қилишига амин бўлдим. Шу боис Саодат Қўлиевага тавсия асосида имтиёзли кредит ажратдик. Ўша хонадониди момомерос хунар — қуроқчиликни йўлга қўйди. Дастлаб икки нафар қиз билан иш бошлаган бўлса, аини пайтда шогирдлари сони 18 на-

### ТАЖРИБА

фарга етди. Тадбиркор аёл фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида 15 млн. сўм қўшимча кредит олиб, 3 та тикув машинаси харид қилмоқчи.

Яна бир фуқаро — Нигора Боқиева. Ўтган йилги хатловда ишсиз сифатида “Аёллар дафтари”та рўйхатга олинган. Оилавий аҳоли, имкониятини ўрганганимда, ширинлик ва пишириқ пиширишга малакаси борлигини аниқладим. Сотувчилик қобилияти ҳам кўзга ташланди. Унга қизиқиши доирасида кредит ажратиш тақлифини билдирдим. Бу фикр маъқул келиб, тез орада 33 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Маблағ эвазига деҳқон бозоридида аввал 1 та савдо дўкони ташкил этди. Доимий ишчилари сони 6 нафарга етди. Эйтибор беринг, яқиндагина ишсиз бўлган аёл бугун иш берувчига айланди.

2023 йилда “Темир дафтар”да турган Ҳақберди Каримов эришган натижаси бошқа маҳалладошларига ибрат бўлмоқда. 2022-2023 йилларда Ҳақберди аканинг оилавий аҳоли оғир эди. Суҳбат давомида маълум бўлдики, бу фуқаро кўли гул уста ва сантехник экан. Аммо зарур меҳнат қуроллари йўқлиги учун оёқ-қўли “боғланиб қолган”. Унга кредит асосида мотороллер олиб бердик. Бундан ташқари, ховлисидаги томорқа бўш ётганини сезиб, субсидия асосида иссиқхона қуриб бердик. Биринчи йили иссиқхонада помидор ва бодринг етиштириб, 40-50 миллион сўм даромадга кирди. Кейинги йил касби ва хунарини ишга солиб, даромадини янада оширди. Бугун оилавий аҳоли яхшилашиб, энг намунали хонадон соҳибига айланди.

Тажрибамда билдимки, ишсизликни бартараф этиш учун фақат кредит ёки субсидия бериш билан чекланиб қолмаслик керак. Балки ўша маблағни жой-жойига қўя олиш, эгасини топиш муҳим.

### “САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ” — АМАЛДА

## Томорқада пишиқчилик тўрт фаслда топилади

Туманимиз вилоятнинг энг чекка, Тошкент Республикаси билан чегара ҳудудда, марказдан 120 километр оғирда жойлашган. Шу боис маҳалламиз аҳолиси, асосан, деҳқончилик ва томорқачилик билан банд. Хонадонларга кўрсатилган, бирорта бўш одамни учратмайсиз.



**Алишер ЭРМАТОВ, Бешарик туманидаги “Юқори товул” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

Президент ташаббуси билан йўлга қўйилган Сайхунобод ва Уйчи туманлари тажрибалари бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Энди уй эгалари томорқада деҳқончилик, боғдорчилик билан бирга, паррандачилик, чорвачиликни даромад манбаига айлантириб, иссиқхонадан тўрт фаслда ҳосил олмақда.

Мисол учун, Тошпўлатовлар оиласига бугун барча ҳавас билан қарайди. Оила аъзолари 15 сотихли томорқада банд. Эрта тондан, кун ботгунча қилинган меҳнат самараси ёмон бўлмаяпти. Хонадон бошлиғи Мирзохид Тошпўлатов ҳамда Гуллола Тошпўлатова доим янгиликка интилиб яшайди. Гуллола опа аёл бўлса-да, болаликдан суяги деҳқончиликда қотган. Пайвандлаш хунарини санъат даражасига олиб чиқа олган. Шу боис маҳалладаги кўшни хонадонлар дарахтини пайвандлаб беради. Бу ҳам қўшимча даромад келтирмоқда. Оила томорқаси йилнинг тўрт фаслида яшнаб туради, пишиқчилик. Сархил мевалар, картошка, сабзи, помидор, бодринг, ловия — барини шу ердан топасиз. Битта рўзгорнинг қора қозонини қайнатилган нимани керак бўлса, бари муҳайё. Хонадон эгалари бозордан гўшт ва туз сотиб олади, холос.

Уларнинг сай-ҳаракати ва имкониятини чамалаб, жорий йил “Сайхунобод тажрибаси” асосида бўш турган ерга 5 сотихли иссиқхона ташкил этиш тақлифини билдирдим. Бунинг учун 33 миллион сўм имтиёзли кредитга тавсия бердим. Маблағ эвазига мўъжаз иссиқхона қурилиб, йилда уч марта ҳосил олиш йўлга қўйилди. Шу биргина оила мисолида инсон хоҳласа, ҳаракат қилса, қўлидан келмайдиган иш йўқлигини кўрсата олади. Сўзимиз исботи — тиниб-тинчимас хонадон эгалари паррандачиликни ҳам йўлга қўйган. 1 000 наодан ортиқ товук ҳар куни 900 дона тухум берапти. Рўзгордан ортгани бозорга олиб чиқиб сотилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, “Сайхунобод тажрибаси” асосида томорқадан олинаётган даромад оила фаровонлигини оширмоқда. Ўтган 2 йилда хонадон соҳиблари уй-жойини янгилаб, иккита автомашина сотиб олди. Йиллик даромад — 200 млн. сўмни ташкил этмоқда.

### ТОМОРҚА МАКТАБИ



## Куён учун фойдали ва зарарли ўсимликлар бор

Биламизки, куёнчиликни ривожлантириш орқали маҳаллаларда аҳоли даромади ошиб, бандлиги таъминланмоқда. Лекин ҳар ишнинг бир машаққати, ўз сирини бўлганидек, қуёнчиликда эътибор берилмайдиган омиллар бор. Уларнинг энг муҳими — тўғри озиклантириш. Шу боис бу галги мақолада куёнлар учун фойдали ва зарарли ўсимликлар ҳақида маълумот берамиз.

Аввало, куённи пичан билан озиклантиришда ўтларнинг таркибига катта эътибор қаратиш лозим. Бу ишни ўз вақтида бажариб, озуқа таркибига зарарли ўсимликлар тушмаслигига ҳаракат қилинган.

Икки уйли газанда, отқулқок, майда гулли бўйимодарон, оддий бўйимодарон, оддий дасторбош, эрмон, шувок, дармана, доривор қоқиўт қабила фойдали ўсимлик ҳисобланади. Демак, булардан бемалол озуқа сифатида фойдаланса бўлади.

Оддий бангидевона, захарли айиктовон, лобель маракулуги, катта қончўп, цукута (совяногуллиларга мансуб захарли ўт), ихрож, доривор қоратомор зарарли бўлгани учун куёнларга бериш тақиқланади.

**Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди.**



Ўзбекистоннинг туризм махсулотини халқаро ва ички туризм бозорларида тарғиб қилишга қаратилган ЯНГИ МИЛЛИЙ ТУРИЗМ БРЕНДИ (танитиш белгиси) яратилади.



Туризм соҳаси тадбиркорлари импорт қиладиган автобус ва микроавтобуслар БОЖХОНА БОЖИДАН ОЗОД этилади.



Авиа, темир йўл ва автобус қатновлари ҳақида маълумот ва чипта олиш имконини берадиган ЯГОНА ОНЛАЙН ПЛАТФОРМА ишга туширилади.

МАНЗАРА

# Барча иллатларнинг урчиши — бекорчиликдан



Табиики, бу сатрларни ўқибётган ҳамкасблар бундай натижага эришни сирлари, тажрибамиз ҳақида билишни истайди. Шу боис ютуқларимиз сабабини санаб ўтмоқчиман. Зеро, бу бошқа маҳаллаларга фойдали бўлади.

Хукукбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашишда ёшлар етакчилари зиммасига алоҳида масъулият юкланган. Бу масъулиятни доим юракдан ҳис қилиб тураман. Маҳалламизни ёшлар ўртасида жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш орозум бўлган. Инсон астойдил интилса, ниятига эришаркан.

Сирожиiddин ТОШПҮЛАТОВ, Шаҳрисабз туманидаги "Қиёмшайх" маҳалласи ёшлар етакчиси.

2023 йилда маҳалламизда 3 нафар ёш профилактик, бир нафари пробацция ҳисобида турган. Ён атрофдаги жиноят ва хукукбузарликдан холи маҳаллаларга ҳавас қилардим. Жорий йил бошидаги хатлов натижасига кўра, энди мен ҳам улар сафига қўшилдим. Маҳалламиз ёшлар ўртасида жиноятчилик ва хукукбузарликдан холи ҳудудга айланди. Янада қувонарлиси, жорий йил вилоятда бу йўналишда энг яхши маҳалла, дея эътироф этилди.

Жорий йилнинг май-июнь ойларида "Хавфсиз ҳаёт учун бирлашайлик!" шiori остида маънавий-маърифий, ватанпарварлик ва спорт тадбирлари, танловлар ташкил этилди. Улар қаторида ўтказилган танловнинг вилоят босқичида "Ёшлар жинояти ва хукукбузарлигидан холи маҳалла" номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллади.

Табиики, бу сатрларни ўқибётган ҳамкасблар бундай натижага эришни сирлари, тажрибамиз ҳақида билишни истайди. Шу боис ютуқларимиз сабабини санаб ўтмоқчиман. Зеро, бу бошқа маҳаллаларга фойдали бўлади.

Жорий йил бошидаги хатловга кўра, 1 057 нафар ёш рўйхатга олинган. Уларнинг 31 нафари ишсиз экани тезкор чора кўриш заруратини пайдо қилди. Чунки барча иллатлар бекорчиликдан келиб чиқшини биларимиз. Шу боис 31 нафар ишсиз ёш доимий ишга жойланди. Хорижда меҳнат қилаётган ёшлар ҳам эътибордан четда қолмади. Улар 68 нафарни ташкил этиб, барчаси билан мунтазам алоқани йўлга қўйдик. Бунинг учун телеграмда "Миграциядаги ёшлар" номли гуруҳ очдик.

Юқорида таъкидлаганим — профилактик ва пробацция ҳисобида турган йигитлар 2024

йилда рўйхатдан чиқарилди. Бунга эришишда ёшларнинг ҳар бири билан индивидуал ишладик. Мисол учун профилактик ҳисобда турган Садамхон Нодиревнинг сабабини санаб ўтмоқчиман. Уни хусусий қорхонага ишга жойладик. Элмурод Донаевага субсидия асосида мотокультиватор олиб бердик. Ҳозир шу ускуна ёрдамида ўзини ўзи банд қилиб, оиласини боқпти. Профилактик ҳисобда турувчи Муҳаммад Ҳамзаевага имтиёзли кредит ажратилди.

Гувоҳ бўлганимиздек, назоратдаги барча ёшлар бандлиги таъминланди. Шу орқали улар ўз ҳаёт йўлини топиб олди. Шу ўринда маҳалла ёшлари билдирган таклиф — маҳаллага воркаут спорт майдонига эҳтиёж борлигини айтиб ўтмоқчиман. Агар шу таклиф амалга ошса, ёшларни спорт билан қамраб олиш янада яхшиланади.

МИГРАЦИЯДАН ҚАЙТГАН ЁШЛАР

## “Қизиқувчилар кўч, аммо спорт майдони йўқ”



Камбағал оилалар билан манзилли ишлаб, ёшларнинг даромадини оширишга интиляпмиз. Бунинг учун йигит-қизларга имтиёзли кредит, субсидия ажратяпмиз.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш — олдимиздаги муҳим ва кечиктириб бўлмаст вазифа. Хар бир маҳаллада “еттилик” аъзолари ўз йўналишини бўйича тўғри иш ташкил этса, янги иш ўринлари яратилса, муаммага ечим топиш мумкин.

Баҳром ҚОРАҚҮЗИЕВ, Бекобод туманидаги “Бешюз” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ёшлар бандлигини таъминлаш учун маҳаллада иқтисодий-ижтимоий дастурлар, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш каби омиллардан фойдаланялман. Давлат раҳбари ташаббуси билан ҳудудларда жорий этилган Сайхунобод, Уйчи, Ғиждувон тумани тажрибалари билан томорқадан самарали фойдаланиш, кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этишга ҳаракат қилялман.

Жорий йил бошидаги хатловда 610 нафар ёш рўйхатга олинган бўлса, 16 нафарнинг ишсизлиги аниқланди. 19 нафар меҳнат мигранти ҳисобга олинди. Шу кунгача 16 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди. 19 нафар миграциядаги ёшлар билан яқин алоқа ўрнатилиб, 5 нафарини ватанга қайтаришга эришдик. Қайтганларнинг 3 нафарига Президентнинг “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ер берилди. Бир нафари доимий ишга

жойланди. Яна бир нафар йигит ўзини ўзи банд қилди.

Маҳалламизни ёшлар ўртасида ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш учун “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Бу йўналишда масъул этиб бириктирилган Ангрэн шаҳар мудофаа бўлими ҳамда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими ходимлари яқиндан ёрдам бермоқда. Камбағал оилалар билан манзилли ишлаб, ёшларнинг даромадини оширишга интиляпмиз. Бунинг учун йигит-қизларга имтиёзли кредит, субсидия ажратяпмиз. Агросаноат мутахассислари билан бирга, томорқада сердаромад экинлар экиляпти. Миграциядан қайтган ёшлар бандлигини таъминлаш учун “Хорижда иш — маҳалладан” тамойили йўлга қўйилган. “Сайхунобод тажрибаси” асосида ёшларга томорқада махсулот етиштириш, тадбиркорлигини ташкил этишга хукуқий-молиявий кўмак беряпмиз.

Шу каби ёрдамлардан самарали фойдаланиб, ўз йўлини топганлардан бири — Азизбек Исмоилов. Бу йигит тақдир тақозиси билан 5 йил хорижда ишлаб, турли қийинчиликларни бошидан кечирди. Янги тизим асосида у билан суҳбатлашиб, Ватанга қайтариш чорасини кўрдик. Қизиқиши, имкониятини ўргандик. Болалиқдан деҳқончиликда суяги қотган Азизбек шу йўналишдаги таклифини қабул қилди. Ватанга

қайтиб, юртимизда ёшларга яратилаётган имкониятдан унумли фойдаланмоқда. Унга Президент қарори асосида 30 сотих ер майдони ажратилди. Бириктирилган ерга қарам экди. Ҳосил пишиб, дастлабки даромад келиши бошлади. Биринчи мавсумдан тахминан 25-30 тонна ҳосил кўзляпти. Ҳозир қарамнинг килоси бозорда минг сўм эканини ҳисобга олсак, биринчи экиннинг ўзидан 30 миллион сўм даромад бор, дегани.

Яна бир ёш маҳалладошимиз — Лочин Ўрмонов. Шу кунгача ишсиз бўлгани учун хорижда мавсумий ишлаб келарди. У билан суҳбатлашиб, томорқадан яхши даромад топиш йўллари ташкил қилдик. Бунинг учун субсидия ва кредит маблағи ажратишни таклиф қилдик. Бугун Лочин ўз хонадонидagi томорқада “Сайхунобод тажрибаси” асосида деҳқончилик қилиш баробарида 20 бош қўй парвартиляпти.

Хатлов жараёнида ёшлар таклифини ўрганганимизда аксарияти ҳудудда спорт майдони қуриб беришни сўраган. Ҳақиқатдан ҳам, маҳалла ёшлари орасида спортга қизиқувчилар кўп, аммо спорт майдони йўқ. Агар кичик футбол майдончаси қуриб берилса, ёшларимиз орасидан профессионал спортчилар етишиб чиқишига замин яратиларди. Бу таклифини туман раҳбарияти қиритганман. Айни пайтда жавобини кутяпмиз.

БИЛАСИЗМИ?

## Депутатлар ёшлар билан қандай ишлайди?

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари ва сенаторларнинг “маҳалла еттилиги” билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва “маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамкорлиги белгиланган.

Унга кўра, аҳолини ижтимоий хизматлардан хабардор қилиш, муаммоларини самарали ҳал этиш, маънавий-маърифий чора-тадбирларни ўтказиш, тадбиркорликни ривожлантириш, бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, хотин-қизларни рағбатлантириш кўзда тутилган.

Шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш бўйича депутатлар билан ҳамкорликда “Ёшлар дафтари”га қиритилганларга белгиланган мезонлар асосида моддий ёрдам берилиши

таъминланади. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилиш учун субсидияларни тўғри ажратиш (асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари, урулук ва кўчатларни харид қилиш ва бошқа), ёшларни тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш курслари харажатларини қоплаш, “Ёшлар дафтари”га қиритилган профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларнинг тўлов-контракт суммасининг бир қисмини тўлаб бериш, маҳалла аҳолисининг ёшлар етакчиси фаолиятидан рози бўлишига эришиш — бош мақсад қилиб олинган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нигора КАМОЛОВА, Булокбоши туманидаги “Тошкечик” маҳалласи.

— Маълумки, маҳалла тизими рақамлаштирилиб, ходимлар фаолияти электрон рейтинг тизими (КРП)га биноан баҳоланмоқда. Белгиланган тартибга асосан, ёшлар етакчиси фаолиятини баҳолашда қайси жиҳатлар эътиборга олинади?



## ЕТАКЧИ ҚАНДАЙ МЕЗОНЛАР БҲЙИЧА БАҲОЛАНАДИ?

Нодирбек АБДУҚОДИРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

Ёшлар етакчилари фаолиятини баҳолаш “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ҳамда “Маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари бўйича баҳолашда маҳалла раисининг иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида тартибга солинган.

Унга кўра, 2024 йил июнь ойида “Маҳаллалардаги ёшлар етакчилари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРП) бўйича баҳолаш тўғрисида”ги Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг қўшма қарори қабул қилиниб, маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРП) асосида баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди.

Мазкур методикага асосан, ёшлар етакчиси фаолияти бир қатор индикаторлар бўйича баҳоланади.

“Ёшлар баланси” электрон платформаси билан ишлаш натижаси маҳалладаги ёшлар сонига нисбатан “Ёшлар баланси” (yoshlarbalansi.uz сайти)даги мавжуд ёшларнинг улуши ҳамда уларнинг маълумотларини янгилаб бориш ҳолатига қараб, 10 балл билан баҳоланади.

Маҳалладаги ёшлар бандлигини таъминлашда “Бандлик дастури”даги ёшлар сонидан бандлиги таъминланган ёшлар улуши Солиқ қўмитасининг электрон платформаси ва yoshlarbalansi.uz сайтидаги маълумотлар асосида 10 баллик тизимда солиштирилади.

“Ёшлар дафтари”дан ёрдам кўрсатилган ёшларни қайта мониторинг қилиш орқали кўрсаткичлар ёшларга “Ёшлар дафтари”дан кўрсатилган ёрдамлар сонига нисбатан мақсадлилиги бўйича мониторинг ўтказилганларнинг улуши мониторинг тизимидаги маълумотлар асосида 10 балгача баҳоланади.

Миграциядан қайтган ёшлар билан ишлаш ҳолати 10 баллик тизимда “Ёшлар баланси”даги миграциядан қайтган ёшлар сонидан бандлиги таъминланган ёшлар улуши Солиқ қўмитасининг электрон платформаси ва yoshlarbalansi.uz сайтидаги маълумотлар асосида таққосланади.

Ёшларга хорижий тилларни тарғиб қилиш ҳам 10 балл асосида кўриб чиқилади. Бунда “Ёшлар баланси”даги ёшлар сонига нисбатан “Ибрат фарзандлари” иловасида рўйхатдан ўтган ёшлар улуши ҳамда уларнинг сертификат олганлиги ҳолати ibratcademy иловасидаги маълумотларга солиштирилади.

Шунингдек, маҳаллаларда ёшларни “Беш ташаббус олимпиадаси”да иштирок этишга жалб этиш йўналишида жами ёшларнинг 80 фоизини мусобқаларда иштирок этиши учун 5tashabbus.uz сайти орқали рўйхатдан ўтказиш ҳолати 5tashabbus.uz сайтидаги маълумотлар асосида 10 балл билан баҳоланади.

Иш режасининг бажарилиш ҳолати — иш режада белгиланган тадбирлардан тўлиқ бажарилган тадбирларнинг улуши электрон платформадаги маълумотлар асосида 10 баллик шкалада баҳоланади.

Маҳалла раиси баҳолайдиган кўрсаткичларига кўра, йўналтирилган туман муаммоларининг улушига нисбатан ҳамда меҳнат интизомига риоя этилганлиги кўрсаткичи бўйича ёшлар етакчиси ҳисобот даврида ишлаган кунларга таъминланган ёшлар улуши 50 фоизгача миқдорда мукофотланади. Хар чоракда юқори натижага эришаётган мамлакат бўйича энг илғор 100 нафар етакчи бир ойлик иш ҳақида тенг миқдорда бир мартилик пул мукофоти билан тақдирланади.



2021-2024 йиллар давомида Олий суд 1 минг 200 нафардан зиёд сиёсий қатағон қурбонларнинг НОМЛАРИНИ ОҚЛАГАН.



“EastFruit” портали маълумотларига кўра, Ўзбекистон ва Марказий Осиёда ТАРВУЗ НАРХИ рекорд даражада арзонлаяпти.



“Numbeo” статистик платформаси жиноятчилик индексида Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги ЭНГ ХАВФСИЗ ДАВЛАТ деб топди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# Шахсий масъулият ва тадбиркорлар ишончи муҳим омил

Президент ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таъминоти ва йил якунига қадар ўтказилган вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор ишларида тўғри ҳокимлари ва солиқчилар режими баъжарилган деб, тадбиркорни ортиқча тўлов қилишга мажбур қилган бўйича қўзғатиладиган ҳолатларни танқид қилиб, барча ҳоким ва солиқчиларни қатъий оғоҳлаштирди. Тадбиркорга ортиқча тўлов қилинган масъуллар жазоланиши, бош прокуратурага бу масалани алоҳида назоратга олиши топширди.

Давлат раҳбарининг ушбу видеоселектор йиғилишида берган топшириқлари ижросини ташкил этиш мақсадида Солиқ қўмитаси Хайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан солиқ органлари зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ҳудудий солиқ идоралари раҳбарларининг маҳаллий Кенгашларга мурожаатномасини ташкил этиш, давлат бюджетига белгиланган прогноз кўрсаткичлари ва қўшимча даромадларни сўзсиз таъминлаш борасида ҳар бир бошқарма бошлигининг тақдиротлари муҳокама қилиниб, белгиланган вазифалар ижроси юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ортиқча тўловга йўл қўймаслик, меҳнат, маъмурий ва жинсий жавобгарликка бўлган чоралар кўрилиши тўғри-

сида расмий оғоҳланрилиб, йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг бартараф этиш аҳоли танқидий муҳокама қилиниб ҳамда Солиқ қўмитаси раиси ўринбосарлари ва ҳудудий солиқ бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилди. Республикадан ёрдан олаётган энг оғир – Бўзатов, Бўстон, Қорақўл, Қонимех, Янгиобод, Мингбулоқ, Пайариқ, Сарисий, Сардоба, Пскент, Сўх ва Янгибозор туманлари тушумларини 2 қаррага ошириш бўйича қўмита ва ҳудудий солиқ бошқармалари бошлиқларининг шахсан масъулияти белгиланди. Йирик солиқ тўловчилар билан ишлашда ёндашув ва иш услубини тубдан ўзгартириш таъкидланди. Йиғилишда тизимдаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш, халқнинг, тадбиркорларнинг ишончига эришиб, уларга амалий

ёрдам кўрсатиб бориш биринчи даражали вазифа этиб белгиланди. Прокуратура ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда яширин иқтисодий жиловлаш, иш ўринлари ва иш ҳақи фондини легаллаштириш бўйича ҳар бир масъул ва раҳбарларнинг шахсий масъулияти белгилаб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Йиғилиш амалий семинар тарзида давом эттирилиб, ҳудудий солиқ бошқармалари ва солиқ инспекцияси раҳбарлари махсус ўқув дастурлари асосида: – қўшимча манбаларни аниқлаш бўйича мавжуд дастурий маҳсулотлар имкониятидан кенг фойдаланиш; – “маҳаллабай”, “корхонабай” ишлаш институтлари самарадорлигини ошириш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига амалий кўмак бериш, ҳар бир ходим фаолияти улар томонидан баҳоланиши сабабли ўзаро ишонч ва ҳисмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш; – солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш ва суд жараёнларида бюджет манфаатларини ҳимоя қилиш; – иш ўринлари ва рўйхатдан ўтмасдан ишлайдиган фуқаролар фаолиятини легаллаштириш ҳамда яширин иқтисодий қарши курашишда манфаатдор идоралар



Йиғилишда тизимдаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш, халқнинг, тадбиркорларнинг ишончига эришиб, уларга амалий ёрдэм кўрсатиб бориш биринчи даражали вазифа этиб белгиланди.

билан ҳамкорлик; – коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мавзусида ўқув-амалий семинарлари ўтказилди.

Шунингдек, долзарб вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Достон РУСТАМОВ.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

## “Маҳалла бюджети янада ортади”

Беш ойдан буён Андижон вилоятининг энг чекка ҳудудлари – Улугнор туманидаги “Нуробод”, “Гулистон” ва “Тўрттоғ” маҳаллалари солиқ инспекториман. Ҳудуд аҳолиси, асосан, песпиконаларда сабзавотчилик, балқиччилик, асаларчилик, шпакчилик, чорваччилик билан шуғулланиб, даромад топишди. Уларга солиқ борасида ҳуқуқий ёрдэм, маслаҳатлар бериб, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришларига кўмаклашганман. Натижада маҳаллаларда тадбиркорлик субъектлари сонин ортиб, шпезлар камаймоқда.

Маҳаллабай ўрганишлар ва мулоқотлардан билдимки, ўз вақтида фуқароларга солиқ ва тадбиркорлик бўйича етарли ҳуқуқий тушунча берилмаган. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, солиқ инспекторларининг маҳаллага туширилиши мана шундай муаммоларни бартараф этиб, қонуний йўл-йўриқлар кўрсатишмоқда. Ҳуқуқий тарғиботлар натижасида солиқ қарздорликлар камайиб, тушумлар ортмоқда. Солиқ тушумларининг 10 фоизи маҳалла ҳисобиде қолиши солиқ тўловчиларда рағбат уйғотмоқда. Бугунги кунда мазкур маҳаллаларда 1631 нафар мол-мулк ва ер солиғи тўловчи жисмоний шахс бор. Шунингдек, 41 та юридик шахс, 17 та фермер хўжалиғи, 25 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. Аҳоли ўртасида мол-мулк ва ер солиғи бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар бериб, солиқ тўловларининг ўз вақтида тўланиши маҳалла бюджетининг ортишига, ҳудуд обод бўлиб, аҳоли фаровонлиғи яшиланишига хизмат қилишини тушунтиряман. Натижада фаолиятим давомида 300 млн. сўмдан ортиқ мол-мулк ва ер солиғи ундирилиб, унинг 10 фоизи маҳалла бюджетиде қолиши таъминланди.

“Маҳаллабай” ўрганишлар давомида паст қувватда ишлайдиган иккита тадбиркорлик субъектининг мавжуд муаммолари ўрганилиб, имтиёзли кредитлар олишига кўмаклашилди. Натижада тадбиркорлик фаолияти кенгайди. Молиявий қийинчиликлар туфайли фаолиятини тўхтатган иккита тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди. Қонуний фаолият юритаётган 5 нафар тадбиркор ўз фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказди. Шунингдек, 25 та дехқон хўжалиғи, 13 нафар тадбиркор фаолияти йўлга қўйилди. 300 нафар фуқаронинг бандлиғи таъминланди. 5 нафар тадбиркорлик субъекти товар айланмасини оширгани ҳисобига товар айланма ҳажми 90 млн. сўмга ортди. Мазкур сазъ-ҳаракатларимиз натижасида маҳаллаларнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланиши ортиб, солиқ базаси кенгаймоқда. Келгусида ўзини ўзи банд қилган фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашларига кўмаклашиш орқали ишсизлар сонин янада камайтираман. Энг муҳими, солиқ тўловчиларнинг энг яқин кўмакчиси бўлиб, маҳаллалар бюджетининг даромадлари ўсиб бориши учун бор билим ва тажрибамни ишга соламан.



Камолдин ОРТИҚОВ, Улугнор туманидаги “Тўрттоғ”, “Гулистон”, “Нуробод” маҳаллалари солиқ инспектори.



ҚўЛЛАНМА

## Фойда солиғи ставкаси кимларга қўлланилади?

Исматулло СЕВИНЧОВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Фойда солиғининг 50 фоизга пасайтирилган ставкасини қўллашга, аввало, 2022 йил 1 сентябрдан кейин илк маротаба фойда солиғини тўлашга ўтган айланмадан олинган солиқ тўловчилар – солиқ тўлашга ўтган йилдан кейинги бир солиқ даври (Солиқ кодексининг 338-моддасига кўра, календарь йил солиқ давридир, йилнинг чорағи ҳисобот давридир) мобайнида бўлса ҳақли. Бу жараёнда пасайтирилган календарь йилда жами даромади 10 млрд. сўмдан ошмаслиғи лозим.

Мисол учун, корхона 2023 йил I чорак якуни билан илк маротаба фойда солиғини тўлашга ўтган бўлса, кейинги солиқ даври (2024 йил) да фойда солиғининг 50 фоизга пасайтирилган ставкасини қўллаши мумкин. 2022 йил 1 сентябрдан кейин жами даромади жорий йил мобайнида илк маротаба 10 млрд. сўмдан ошган фойда солиғи тўловчилари ҳам ушбу имкониятдан фойдаланишлари мумкин. Ушбу ставка жорий ва кейинги солиқ даврларида қўлланилади. Бу жараёнда пасайтирилган ставка қўлланиладиган йилларда жами даромад 100 млрд. сўмдан ошмаслиғи лозим.

Мисол учун, 2022 йил декабрда жами даромади илк маротаба 10 млрд. сўмдан ошган корхона жорий ва кейинги солиқ даврларида, яъни 2022-2023 йилларда пасайтирилган солиқ ставкасини қўллаши мумкин.

**Мазкур имтиёз қўйиладиганга татбиқ этилмайди:**

- ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилари;
- акциз солиғи тўловчилари;
- солиқ тўловчи туғатилганда;
- пасайтирилган солиқ ставкасини қўллаш учун икки ва ундан ортиқ тадбиркорлик субъекти ўртасида солиқ тўловчининг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларни ажратиш (булиш) фактлари аниқланганда.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

## Даромад солиғини қайтариб олинг



Контракт тўловидан 12 фойз даромад солиғини қайтариб олиш учун биринчи навбатда илтиёздан фойдаланувчи “my3.soliq.uz” сайтидан жамий илтиёз даромадлар тўғрисида дек.ларация юбориш керак.

Декларация юборилганда унинг шахсий карточкасида ортиқча тўлов шаклланади ва шундан сўнг ушбу ортиқча тўловни қайтариш тўғрисида банк пластик картаси реквизитларини кўрсатган ҳолда ариза тақдим этиши лозим. Ариза 5 кун муддатда кўриб чиқилади. Тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар бўлмаса, ортиқча тўлов суммаси ариза топширилган кундан этиборан 15 кун

ичида қайтариб берилади. **Маълумот учун:** профессионал ва олий таълим ташкилотларига жисмоний шахслар ўзи ва фарзандларининг, шунингдек, 26 ёшга тўлмаган турмуш ўртоғининг таълим олиши учун йўналтирган иш ҳақи ва бошқа даромадлари солиққа тортилмайди. Мазкур имтиёз ўқиш учун тижорат банклари ажратган таълим кредитларини (фоизлари билан) қоплашга нисбатан ҳам қўлланилади.

## Таълим соҳаси ҚҚСдан озод этилган

Ўқитиш (таълим) соҳасидаги хизматлар, шу жумладан, тест сновлари ва илтиҳонлар ўтказишни ташкил этиш хизматлари, хусусан:

- бошланғич, ўрта, ўрта махсус, техник ва касб-хуна, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасидаги таълим хизматлари;
- таълим муассасалари (ташкilotлари), шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширадиган ташкilotлар томонидан кўрсатиладиган қўшимча таълим бериш бўйича хизматлар;
- мактабга таълим ва тарбия дастурлари доирасида таълим ва тарбиялаш фаолиятини



**амалга оширувчи ташкilotларда:**

- болаларга қараш ва уларни парваришлаш бўйича хизматлар;
- тўғрақларда, секцияларда (шу жумладан, спорт секцияларида) ва студияларда вояга етмаган болалар билан машғулотлар ўтказиш бўйича хизматларни реализация қилиш бўйича айланма ҚҚСдан озод этилган.

Сўхроб ЗИЁДУЛЛАЕВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори.



Ўзбекистонда битирувчиларни жамлаган — "DIPLOM.EDU.UZ" платформаси яратилди.



Самарқанд давлат университети Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб "QS Stars" рейтингига БЕШ ЮЛДУЗЛИ МАҚОМГА эга бўлди.



Ўзбекистон ЭНГ СОВУҚ мамлакатлар рейтингига 62-ўринда, ЭНГ ИССИҚ мамлакатлар рейтингига 144-ўринда қайд этилди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

# Ногиронлик туғуруқхонанинг ўзида белгиланса...

Хурсаной БУРХОНОВА, Яқкабоғ туманидаги "Ёшлик", "Жайчи", "Хужайилор" маҳаллалари ижтимоий ходими.

Ота ичкиликка ружу қуйган. Деярли ҳар куни бўладиган жанжал ва тўпалонлар уч нафар фарзанднинг руҳий ҳолатига қаттиқ таъсир қилди. Онасига кўрсатилаётган босим ва зуғум сабаб қизининг нутқида дудукланиш пайдо бўлди. 2013 йилда туғилган ўғлининг секин-аста ҳаракатланиши сусайиб, юролмай қолди. Бу таъшишларга

қандай олмаган аёл болалари билан бирга уйдан чиқиб кетди. У қийналишини биларди. Тинч ва хотиржам яшаш учун барчасига рози бўлди...

Хатлов жараёнида ўрганилган бу ҳолат бўйича тизимли ишлар олиб борилди. Биринчи навбатда, тушунликка тушиб қолган аёлга далда беришга ҳаракат қилдик. Унинг ёлғиз эмаслиги, ҳамisha эътиборимиз марказида эканини ҳис қилиши учун ёрдам қўлларини узатдик. Ногиронлиги бўлган ўғлининг даволаниши учун йўлланма берилди. Қолаверса, тақдим этилган махсус арава

фарзандининг чекланган ҳаракатларини биров бўлса-да қайтарди. Шу кунга қадар уйда таълим олган бола энди мактабга қатнаб ўқимоқчи. Давлат ёлғиз онани иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Хонадонларга кирганда ҳақиқий ҳолатни ўрганишга ҳаракат қиламан. Маънавий муҳит, иқтисодий имкониятлар, оила аъзоларининг бир-бирига муносабатини чуқур таҳлил қиламан. Зеро, ҳаммаси бир-бири билан узвий боғлиқ. Моддий қийинчилик сабаб келишмовчилик ва низолар чиқиши мумкин. Бу бола тарбияси ва маънавий муҳитга таъсир кўрсатмай қолмайди. Шунга кўра, ҳар бир оила билан ишлашда кенг камровли ёндашув талаб этилади.

Худудимизда истикомат қиладиган бир оилада ногирон фарзанд дунёга келди. Қайнона бу ҳолатни қабул қилолмай, келинини уйдан ҳайдаб чиқаради. Эрак жим бўлишни афзал кўрди. Шундай вақтда онанинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас. Бир томонда умид билан кутган нуридийдаси ярим жон, бир томонда яқинларининг совуқ муносабати. Бу ҳам етмаганидек, болани даволатиш учун кетадиган сарф-ҳаражатлар...

"Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходимлари билан аёлнинг ҳолидан хабар олгани бордик. Болага ногиронлик тайинланди. Парваришlash, ногиронлик ҳамда болалар нафақаси бериладиган бўлди. Ёнида унга елкадош бўладиган инсонлар борлигини кўрган аёлнинг кайфияти анча кўтарилиди. Қалбида умид ва ишонч уйғонди.

Баъзан ўйлаб қоламан, аслида, инсон бахтли бўлиши учун кўп нарса керак эмас. У яқинларининг меҳри ва эътиборидан куч олади. Қийинчиликларни енгиб ўтишга мустаҳкам ирода пайдо бўлади. Шундай экан, ёнимиздаги кадрли кишиларимизни асраб-авайлаб яшайлик. Бугун уларга кўрсатилган ғамхўрлик эртага ўзимизга ўн хисса бўлиб қайтиши аниқ.

**Тақлим:** ногиронлиги бўлган ота-оналарнинг соғлом фарзандларини мактабгача таълим ташкилотига навбатсиз жойлаштириши тақлиф қилмоқчиман. Сабаби, уларнинг орасида гапириниш ва эшитишда муаммоси бўлганлар бор. Табиийки, боланинг ақлий салоҳияти ривожланиши учун мунтазам мулоқот керак. Айрим ҳолатларда шундай оила фарзандлари йиллаб навбат кутиб, уйда қолиб кетяпти.

Яна бир масала: туғма ногиронлиги бўлган болаларга ногиронлик тайинлаш тизимини биров ислоҳ қилиш керак. Яъни, туғуруқхонанинг ўзида ёки ФХДЭ органларидан туғилганлик гувоҳномаси олиш жараёнида ҳолатни расмийлаштириш мақсада мувофиқ булар эди. Шунда ортиқча югур-югур ва қоғозбозликлар нисбатан камайган бўларди.

Баъзан ўйлаб қоламан, аслида инсон бахтли бўлиши учун кўп нарса керак эмас. У яқинларининг меҳри ва эътиборидан куч олади. Қийинчиликларни енгиб ўтишга мустаҳкам ирода пайдо бўлади. Шундай экан, ёнимиздаги кадрли кишиларимизни асраб-авайлаб яшайлик. Бугун уларга кўрсатилган ғамхўрлик эртага ўзимизга ўн хисса бўлиб қайтиши аниқ.

## Жазирамада ёнгин хавфидан огоҳ бўлинг!

Республикамизда 1 шолдан 1 августгача ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича "10.10.2024 30 кун" тадбирлари ўтказилган.

**Ж.РАҲИМОВ,** Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар бўлими бош инспектори, капитан.

Баъзан ҳамма нарса ўз меъёрида бўлгани ҳолда, юқори ҳаво ҳарорати туфайли ёнгин хавфи кучайиши мумкин. Бу биздан ёз кунлари янада хушроқ бўлишни талаб этади. Мисол учун, уйда гуғуртни ёш болалар қўли етмайдиган жойга қўйишдек оддийгина иш ҳар доим диққат-марказимизда бўлавермайди. Бу ёнгин хавфининг энг содда сабаби бўлса-да, оқибати аянчли тугаши мумкин.

Кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгин ҳодисалари сабабларини таҳлил қилсак, кўп ҳолларда бундай офатлар бепарволик, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик оқибатида юзага келаётганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, ҳозирги ёз мавсумида газ плита носозлиги, электр симларининг очилиб қолиши, тез ёнувчи нарсаларни олов яқинида бўлиши бир зумда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида айрим кишилар бошпанасиз қолмоқда, баъзилар яқинларидан айрилмоқда...

Шундай экан, газ ва электр анжомларининг соҳ ҳолатда сақланаётгани, ён-атрофимизда ёнгин хавфини юзага келтириши мумкин бўлган вазиятлар йўқлигига доимо эътиборли бўлиш зарур. Ёзги таътилда болаларни қаровсиз қолдирмаслик, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига ҳамisha амал қилиш қўйилмаган фалокатларнинг олдини олишда ҳамisha муҳимдир.

Агар оддийгина мана шу қоидаларга риоя қилсангиз, кўплай нохуш ҳодисаларнинг олдини олган, йиллаб йиққан мол-мулкнингиз ва яқин кишиларингизни «тисиз ёв» ҳужумидан ҳимоя қилган бўласиз.

Шундай экан, газ ва электр анжомларининг соҳ ҳолатда сақланаётгани, ён-атрофимизда ёнгин хавфини юзага келтириши мумкин бўлган вазиятлар йўқлигига доимо эътиборли бўлиш зарур.

ОЙЛИК

Баъзан ўйлаб қоламан, аслида, инсон бахтли бўлиши учун кўп нарса керак эмас. У яқинларининг меҳри ва эътиборидан куч олади.



ИМКОНИЯТ

## Янги тизим — имконият, қулайлик, вақт тежамкорлигидир!

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда "Uzummarket" ҳамкорлигида протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация техник воситаларига муҳтож шахсларга уларни етказиб беришнинг янги тизимини йўлга қўйган эди.

Зарнигор НАФИДДИНОВА.

Бу жараёнда ногиронлик белгиланаётган шахсга мослама ва воситалар олиш учун муҳтожлик қайд этилаётганда автоматик тарзда ваучер шакллантирилади. Муҳтож шахс телефон рақами орқали уларни харид қилиш ҳуқуқи вужудга келгани тўғрисида SMS-хабар олади ва платформа орқали буюртма бериши мумкин бўлади. Буюртма беришда қийинчиликлар юзага келганда, маҳалладаги ижтимоий ходим муҳтож шахс хонадонига бориб ёрдам беради.

Жондор туманидаги "Денов" маҳалласида яшовчи Шаҳодат Мирзаева 1973 йилда туғилган бўлиб, болаликдан ногиронлиги бор. Ота-онаси, ака-сингиллари доимо унинг оғирини енгиб қилиш, ҳар томонлама руҳини кўтариш учун ҳаракатда. Унга электрон аравача

Жондор туманидаги "Денов" маҳалласида яшовчи Шаҳодат Мирзаева билан "Uzummarket"га аравача буюртма қилишди. Бир ҳафта муддатда Шаҳодат опанинг буюртмаси етиб келди. Ижтимоий ходим ва маҳалла раиси биргаликда опанинг буюртмасини хонадонига элтиб беришди.

— Болалиқдан ногиронман, — дейди Шаҳодат МИРЗАЕВА. — Ота-онам, яқинларим доим ёнимда, ёрдамга тайёр. Бир неча ой илгари электрон аравачага муҳтожлигим бўйича мурожаат қилган эдим. Лекин яқинда маҳалламиз ижтимоий ходими янги тизим бўйича хабар берди. Буюртма бердик, қисқа муддатда етиб келди, кутмаганим. Раҳмат, янги қулайлик, янги имкониятлар учун...

Эҳтиёманд инсонларга яратиб берилаётган ҳар бир имконият ва қулайлик уларнинг ўз ҳаёти ва тақдирини рози бўлиб яшаши демек. Уларга қанча ғамхўрлик қилсак шунча оз.



Муҳтож шахс телефон рақами орқали уларни харид қилиш ҳуқуқи вужудга келгани тўғрисида SMS-хабар олади ва платформа орқали буюртма бериши мумкин бўлади. Буюртма беришда қийинчиликлар юзага келганда, маҳалладаги ижтимоий ходим муҳтож шахс хонадонига бориб ёрдам беради.

АНГИЛИК

## Сурдотаржимон иштироки таъминланади

Президент қарорига мувофиқ, 2024 йил 1 сентябргача вазирлик ва идоралар, уларнинг худудий бўлинмалари ҳамда тизим ташкилотларида бир нафар раҳбар ўринбосари ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай ва тўсикларсиз муҳит яратишнинг бўйича масъул этиб белгиланди.

2025 йил 1 январдан:

- вазирлик ва идоралар, уларнинг тизим ташкилотлари ҳамда давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фуқаролар қабули ва сайёр қабулларни ўтказишда мажбурий тарзда сурдотаржимон иштирокини таъминлайди;

- вазирлик ва идоралар, уларнинг тизим ташкилотлари ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарнинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича бир нафар ходими сурдотаржимонлик курсларида ўқитилади.

2024 йил 1 октябрдан:

- шаҳар йўловчи транспортда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ва уларга ҳамроҳлик қилувчи бир нафар шахсга бепул хизмат кўрсатилади;
- I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахсий автотранспорт воситаларини мослаштириш харажатларининг 50 фоизи (БХМнинг 30 бараваригача бўлган миқдорда) қоплаб берилади.

Ижтимоий инспекция ногиронлиги бўлган шахсларга қулай муҳит ва тўсикларсиз ҳаракат қилиш имкониятлари яратилганлигини назорат қилувчи ваколатли орган этиб белгиланди.




Ҳар икки йилда бир марта волейбол бўйича Марказий Осиё давлатлари ўртасида "БЮЮК ИПАК ЙўЛИ" халқаро турнири ўтказиб борилади.



"ПАРИЖ-2024" Олимпиадасига Ўзбекистон делегацияси 19 спорт турида 90 нафар спортчи билан 75 та лицензия қўлга киритган.



Тарихда илк бор пара велоспорт бўйича Паралимпия ўйинларига ИККИТА ЛИЦЕНЗИЯ қўлга киритилди.



## Соғлом оила асоси — тиббий кўриқдан ўтишдир

САЛОМАТЛИК

Рисолат ЯҲЁЕВА,  
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бош мутахассиси.

**Соғлом фарзанд туғилиши асосий омили нима? Кўпчилик бунга ҳолидан келиб қолган парварши билан боғлайди. Аслида, соғлом оила ва соғлом фарзанднинг асоси — никоҳ олдидан келин кўёларнинг тиббий кўриқдан ўтишидир. Кўйида шу ҳақда батафсил маълумот бериб ўтмоқчимиз.**

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, бўлғуси келин-куёвлар бепул тиббий кўриқдан ўтказилади. Бундан қўзланган асосий мақсад — соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишдан иборат. 50 ёшгача бўлган барча никоҳланувчилар турмуш қуришдан аввал тиббий кўриқдан ўтиши шарт. Унинг ҳулосасига қараб, бўлажак оила вакиллари келажак учун қарор қабул қилишади.

**1-қадам.** Никоҳланувчи шахслар Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали никоҳни қайд этиш учун ариза беради. Шундан сўнг, аризани ФХДЁ органлари кўриб чиқиб, бўлғуси жуфтликка тиббий кўриқдан ўтиш учун қоғоз шаклидаги йўлнамани тақдим этади.

**2-қадам.** Ёшлар доимий ёки вақтинчалик яшаш жойидаги туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида бепул диспансеризациядан, яъни кардиолог, эндокринолог, ревматолог, уролог мутахассислари жалб қилинган ҳолда, никоҳли тиббий кўриқдан ва кўшимча УТТ, ЭКГ, ўпканинг рентген ёки флюорография текширувидан ўтади. Шунингдек, умумий қон таҳлили, қондаги қанд миқдори аниқланади, RW ва ОИВ/ОИТСга текширув учун қон топширилади. Тиббий кўриқ жараёнида генетик текширувларга зарурат бўлганда, ёшларнинг ўзаро келишуви асосида улар пулли тарзда амалга ошириши мумкин.

**3-қадам.** Никоҳланувчилар руҳий, наркологик, таносил, сил касалликлари бўйича туман

диспансерларида тиббий кўриқдан ўтади. Ушбу касалликлар инсон ва насл учун хавfli бўлиб, тиббий текширувдан ўтиш орқали келажак авлоднинг соғлом дунёга келишига замин яратилади.

**4-қадам.** Кўриқ натижалари тўғрисида тиббиёт муассасасининг ҳулосаси маълумотномада акс эттирилади. Маълумотнома тиббиёт муассасасининг муҳри ва раҳбарининг имзоси билан тасдиқланиб, никоҳланувчиларга берилади. Тиббиёт муассасасининг масъул ходими маълумотномани тақдим этаётганда никоҳланувчи шахсга аниқланган касалликларнинг никоҳ тузилгандан кейин юзага келтириши мумкин бўлган оқибатларини тушунтиради.

Маълумотноманинг амал қилиш муддати — уч ой. Муҳими, тиббий кўриқдан ўтиш муддати никоҳланувчи шахслар тиббиёт муассасасига мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги керак.

**5-қадам.** Никоҳланувчи шахсларда текшириш натижасида дарҳол доволаш курсидан

ўтишни талаб этувчи касалликлар аниқланган тақдирда, улар белгиланган тартибда тегишли доволаш муассасаларига йўналтирилади.

**6-қадам.** Бўлажак оила вакиллари никоҳ қайд этилгунга қадар иккинчи томонни тиббий текшириш натижаларидан хабардор қилиши шарт. ФХДЁ органлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтганига ҳамда ушбу текширувларнинг натижалари тўғрисида икки томоннинг хабардор эканига ишонч ҳосил қилгандан сўнггина никоҳ қайд этилади.

Никоҳланувчи яшаш жойидаги доволаш-маслаҳат комиссиясининг ҳулосасига рози бўлмаган тақдирда, такрорий тиббий кўриқ вилоят ва республика муассасаларида ўтказилади.

Тану жони соғ, фарзандлари соғлом инсоннинг кўнгли хотиржам бўлади. Хотиржам кўнглига орзу-ҳавас, тўй-ҳашам, шодлигу қувонч ярашади. Бунинг учун инсонда ўз тақдирига масъулият ҳисси бўлиши керак. Барча ёшларга ушбу олти қадамдан муваффақиятли ўтиб, ҳавас қилгудек бахтли оила қуриш насиб этсин!

### БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

## ХОТИН-ҚИЗЛАР МАҲАЛЛАДА ИШ ЮРИТУВЧИ СИФАТИДА ИШЛАЙДИ

**"Оила тартиби мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига кўра, касаначилик ва хунармандчилик йўналишида янги иш бошлайётган хотин-қизлар учун таълим ташкилотларида тажрибали касаначи ва хунармандларни жалб этган ҳолда касб-хунарга ўқитиш курслари ташкил этилди.**

Хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш билан боғлиқ харажатлар Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Касб-хунарга ўқитилган ҳар бир битирувчи хотин-қиз учун сарфланган ўқитиш харажатларининг 70 фоизи, бироқ БХМнинг 5 баробаридан ошмаган қисмини давлат қоплаб беради. "Xotin-qizlar.uz" платформаси негизда "Банд бўлмаган хотин-қизлар" модули яратилиб, вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларига интеграция қилинади.

Ишсиз хотин-қизлар замонавий миллий либосларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш мақсадида тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг, бино ва иншоотнинг дастлабки 3 ойлик ижара тўлови 2024 йил 1 январдан БХМнинг 10 бараваригача миқдорда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилаяпти.

2024 йил 1 январдан хотин-қизларнинг ҳақ тўланадиган жамоат ишлари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида иш юритувчи бўлиб ишлашига 11 ойгача муддатга рухсат этилди. Иш бериувчи иш ўринлари захирага қўйиладиган ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар тоифаларига оилавий (маиший) эърофанлик натижасида жабрланганларни ҳам киритади.

Тажриба тарихида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар, Наманган туманлараро ва Мирзо Улуғбек туманлараро судларининг 2 нафардан судьясини оилавий низоларни кўриш бўйича ихтисослаштирган ҳолда "Оила судьялари" ташкил этилади.

ТАЖРИБА



Дилноза БЕКМИРЗАЕВА,  
Яккасарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор номи маҳалла хотин-қизлар фаоли.

Хар куни одирага келиб, аниқ режалар асосида иш бошлайман. Бугунги вазифани эртага қолдирмасликка ҳаракат қиламан. Киришим керак бўлган хонадонларни айланаман. Аёллар билан дилдан суҳбатлашаман. Айниқса, эҳтиёжманд хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратаман. Бу масалада "маҳалла еттилиги"нинг ўзаро ҳамкорлиги катта аҳамият касб этади.

Инсон доим ўз устиди ишлаши, шахсий ривожини учун тинимсиз изланиши зарур. Шу маънода маҳалламизда истиқомат қиладиган, олийгоҳда бизга тахсил берган устозларимнинг ўғитлари жуда қийматли. Қолаверса, "Бу-

Олий таълим муассасасида орттирган тажрибам, ўқиб-ўрган аёлларим маҳалла тизимидagi фаолиятимда жуда асқатаяпти. Аёллар билан ишлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўринини топиши учун хотин-қизлар фаоли ҳар жиҳатдан билим ва малакага эга бўлиши муҳим. Кўришганим, қимдир психологик, яна бошқаси ҳуқуқий ёки иқтисодий жиҳатдан кўмакка муҳтож.

вижонлар мактаби" аъзоси Машхура Муҳаммедова, кўчабошилар Муҳаббат Юсупова ва Максуда Каримова каби ёши улуг онахонларимизнинг кўмагидан беминнат фойдаланиб келяпмиз.

Маҳалламиздаги 1 962 нафар хотин-қизнинг 763 нафарини 30 ёшдан ошганлар ташкил этади. Уларнинг 420 нафари расмий секторда фаолият юритади. 300 нафардан кўпроғи хусусий корхоналарда ишлайди. Жорий йилда "Аёллар дафтари"нинг ишсизлар тоифасига киритилган 15 нафар аёлдан 8 нафарининг бандлигини таъминлади.

Туман "Оқила аёллар" ҳаракати аъзоларига ва маҳалладаги хотин-қизлар фаоллигига фойдаланиш учун 900 га яқин китоб жамланмалари тақдим этилди.

"Ватан меҳри юрагимда" шiori остида "Маърифатли аёл" фестивали республика бўйлаб ўтказилиши режалаштирилган.

борлигини билдириб, бизга мурожаат қилди. Унга маҳалла тавсияси билан 5 миллион сўм кредит олишига ёрдам бердик. Ҳозир харид қилган печиди мазали пишириқлар тайёрлаб, қунига 300-350 минг сўм атрофида даромд топяпти. 3 нафар фарзанди, кекса қайнонасини парвартиришга ҳам имкони бор.

5 нафар қизни компьютер курсида ўқитдик. Қўлига сертификат олиб, янги касб эгаси бўлишди. Муҳими, энди улар ўз йўли ва мақсадларига эга.

Хотин-қизлар билан ишлашнинг машаққат ва қийинчиликлари билан бирга, завқи ҳам бўлақча. Улар билан ўтказган вақтимга сира ачинмайман. Суҳбатларда қўллаб ҳаётий ҳақиқатларни англаб етган. Тақдирлар, кечмишлар янгидан-янги ҳулосалар чиқаришимга туртки бўлади. Зеро, инсон изланиб, ўргангани сари юксалиб бораверади.

## Уйда ўтирганлар ҳам даромад топишяпти

## "Маърифатли аёл" республика бўйлаб давом этади

Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги "Соҳибқўбил" сайилгоҳида "Ватан меҳри юрагимда" шiori остида "Маърифатли аёл" фестивали ўтказилди.

Мавлуда НИЗОМОВА,  
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси бошқарма бошлиғи.

Унда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар, таълим соҳасидаги имкониятлар ҳақида сўз борди. Шунингдек,

қизларни эрта турмушга бериш оқибатлари, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, оилавий, миллий-ахлоқий кадрларнинг тарғиб этиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мавзуларида кенг муҳокамалар бўлиб ўтди.

Тадбирда 1 000 нафардан зиёд уй бекалари, корхона, ташкилотлар ишчи-ҳодимлари, ёшлар вакиллари, давлат мукофоти соҳибалари, спортчи аёллар иштирок этди. Миллий хунармандчилик ҳамда қандалотчилик маҳсулотлари

кўргазмалари ташкил этилди. Бундан ташқари, фестиваль доирасида Олмазор туманининг 8 та маҳалласида "Қадриятларимиз — бебаҳо бойлигимиз" мавзусида маърифий тадбир ўтказилди.

Унга 28 та маҳалладан 1 500 нафардан зиёд хотин-қиз жалб этилди.

"Олтинсой" маҳалласи ҳудудидаги Абдулҳамид Чўлпон номи кутубхонада "Китобхонаналар" маърифий тадбири ўтказилди. Унда "Оила ва гендер" илмий-тадқиқот институти тайёрлаган "Китоблар қарвони" лойиҳаси амалга оширилди. Тадбирда уй бекалари

бўлган аёллар ўзлари ўқиган китобларини тақдимот қилди. Ўзбекистон халқ артисти Марям Сатторовна, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Шаҳодат Исохонова, Гулбахор Жумаева, Гулчехра Иброҳимова, Ойгул Суяндиқова маданий дастурларини тақдим этди.

Туман "Оқила аёллар" ҳаракати аъзоларига ва маҳалладаги хотин-қизлар фаоллигига фойдаланиш учун 900 га яқин китоб жамланмалари тақдим этилди.

"Ватан меҳри юрагимда" шiori остида "Маърифатли аёл" фестивали республика бўйлаб ўтказилиши режалаштирилган.



Тадбирда 1 000 нафардан зиёд уй бекалари, корхона, ташкилотлар ишчи-ҳодимлари, ёшлар вакиллари, давлат мукофотлари соҳибалари, спортчилар иштирок этди.

